



ТОШКЕНТ ТО'QQASHOMMI

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 108 (10.161)

2004 ЙИЛ 8 ИЮНЬ

**ПОЙТАХТНИНГ
Бир кунни**
Янгиликлар, воқеалар

ҚИСҚА САТРАРДА

- **ҲАМЗА** туманида жойлашган «Донишманд» ва Нодира номли мақалларда мактаб ўқувчиларининг ёзги таътил кунларини сермазмун ўтишини таъминлаш мақсадида 40 нафарга яқин кам таъминланган оилалар фарзандлари иштирокида спорт мусобақалари уюштирилди.
- **ШАХРИМИЗДАГИ** Ғафур Ғулوم, Мирзо Улугбек номли маданият ва истироҳат боғларида атроф-муҳит озодлигини асрашга қаратилган экофестиваль тadbирлари ўтказилди.
- **ЯККАСАРОЙ** туманида жойлашган Юнус Ражабий номли маҳаллада шахримизда меҳмон бўлиб турган «Бир Араб Республикасида чоп этиладиган «Ал-сиёсий» газетаси муҳаррири Муҳаммад Салома билан учрашув бўлиб ўтди.
- **ШАХРИМИЗДА** Озарбойжон миллий таомлари кунни тadbiri ўтказилди.
- **МЕҲР** ва мурувват йили муносабати билан «Экспо» меҳмонхонасида ташкил этилган тadbирда шахримиздаги 23-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари иштирок этишди.
- **МАРКАЗИЙ** офицерлар саройида болажонлар иштирокидаги «Олтин ҳумо» концерт фестивалининг якуновчи босқичи бўлиб ўтди.
- **ЎЗЭКСПОМАРКАЗДА** тўртинчи марта намойиш этилган халқаро озик-овқат саноати ҳамда ичимлик маҳсулотлари кўرғазмасида 50 дан ортиқ маҳаллий ва хорижий компаниялар иштирок этди.
- **МЕҲР** ва мурувват йили муносабати билан 14-болалар шифохонасида даволанаётган болажонларга Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамда шаҳар «Маҳалла» жамғармаси томонидан эсдалик совгалари тўхфа этилди.
- **ЎЗБЕКТЕЛЕФИЛЬМ** студияси ижодкорлари «Мақсад сари» ҳамда «Пауэрлифтинг: Осие чмпионати» деб номланган фильмларни суратга олишмоқда. Унда спортчиларимиз Оксана Чусовитина ҳамда Светлана Кузнецовалар фаолияти ҳақида ҳикоя қилинади.
- Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикаси спортчиларининг Афина шаҳри (Греция)да ўтказиладиган 2004 йилги XXVIII ёзги Олимпиада ўйинларида муносиб иштирок этишини таъминлаш тўғрисида

Ўзбекистон спортчиларининг Афина шаҳри (Греция)да бўлиб ўтадиган XXVIII ёзги Олимпиада ўйинларида сифатли тайёргарлик кўришини таъминлаш, уларнинг ушбу нуфузли мусобақаларда фаол иштирок этишини ҳамда юқори натижаларга эришини рағбатлантириш, уларнинг мамлакатимизнинг халқаро обрўсини оширишдаги ҳексиз ватанпарварлиги мисолида ёш авлоднинг ўз Ватани учун ғурур-ифтихор руҳида тарбиялаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси Қ А Р О Қ И Л А Д И:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат спорт қўмитаси Миллий олимпия қўмитаси билан биргаликда:
Олимпия ўйинларида иштирок этиш ҳуқуқини берадиган халқаро танлов мусобақаларида лицензияни қўлга киритган спортчилардан мамлакат терма жамоасини шакллантирсин;
мамлакат терма жамоасининг ўқув-машғулот йиғинларининг якуновчи босқичида Олимпиада ўйинларида пухта тайёргарлик кўришини ва халқаро лицензион мусобақаларда муваффақиятли иштирок этишини ташкил қилсин;
мамлакат терма жамоаси спортчиларини зарур микдорда спорт анжомлари, инвентарлари ҳамда спорт кийимлари билан таъминласин.
2. Ўзбекистон Республикаси спорт делегациясининг таркиби ва унинг харажатлар сметаси тасдиқлансин.
Ўзбекистон Республикаси Давлат спорт қўмитасига харажатларнинг тасдиқланган сметасига ҳақиқий харажатлардан келиб чиққан ҳолда ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.
3. XXVIII ёзги Олимпиада ўйинлари совриндорлари бўлган Ўзбекистон спортчиларини рағбатлантириш, уларнинг Ватанимиз спорти шарафига муносиб ҳисса қўшганлигини эътироф этиш мақсадида Давлат спорт қўмитасининг 2004 йил учун календарь режасида назарда тутилган маблаглар ҳисобидан қуйидаги микдорларда бир марталик мукофотлар белгилансин:
олтин медаль учун - 100 000 АҚШ доллари;
кумуш медаль учун - 50 000 АҚШ доллари;
бронза медаль учун - 25 000 АҚШ доллари.
Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат спорт қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан биргаликда белгиланган мукофотларни бериш тартибини бир ҳафта муддатда ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин.
4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги:
Ўзбекистон Республикаси Давлат спорт қўмитаси бюрётманомаларига биноан мамлакат терма жамоасини зарур дори-дармонлар, фармакология препаратлари ва биологик фаол тикланиш воситалари билан таъминласин;
мамлакат терма жамоасига номзодлар учун

- давлош-профилактика тadbирларини ташкил этишга ёрдам берсин.
5. Давлат спорт қўмитаси ва Миллий олимпия қўмитаси Ўзбекистон спорт делегациясининг XXVIII ёзги Олимпиада ўйинларида тайёргарлик кўришини таъминлаш учун республикага мақсадли равишда олиб келинадиган махсус спорт анжомлари ва инвентарлар, спорт кийимлари учун божхона тўловларидан (божхонада расмийлаштириш йиғимларидан ташқари) озод қилинсин.
6. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги халқаро мусобақалар иштирокчилари - Ўзбекистон спорт делегацияси аъзолари учун хорижга чиқиш ҳужжатларининг ўз вақтида расмийлаштирилишини таъминласинлар.
7. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси:
Ўзбекистон спорт делегациясининг Тошкент-Афина-Тошкент йўналиши бўйича имтиёзли шартларда учинини;
Ўзбекистон спорт делегациясининг VIP зали орқали бепул ўтишини таъминласин.
8. «Совластитал» қўшма корхонаси, «Ониск» ишлаб чиқариш бирлашмаси ва «Фонон» акциядорлик жамиятига халқаро мусобақаларга бораётган республика спорт делегацияси учун Давлат спорт қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси эскизлари бўйича эсдалик буюмларини имтиёзли шартларда тайёрлаб бериш тавсия этилсин.
9. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Миллий ахборот агентлиги, «Ўзтелерадио» компанияси, Ўзбекистон Республикаси Давлат спорт қўмитаси XXVIII ёзги Олимпиада ўйинларида тайёргарликнинг бориши ва Ўзбекистон терма жамоасининг халқаро мусобақалардаги иштироки оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини таъминласинлар.
10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Азизхўжаев зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2004 йил 7 июнь

XXI саҳоси
Барча мабаларда
олинган сўнги хабарлар

Мамлакатимизда

- Ўзбекистоннинг 6 миллионга яқин аҳолиси «Оролбўйи оналари ва болаларига» шиори остида ўтказилган умуми-республика экологик шанба-лигида иштирок этди.
- «Соғлом авлод учун» халқаро ноҳукумат хайрия жамғармасининг «Оила» тиббий марказида кам таъминланган оилалар фарзандлари ва ота-она қаровисиз қолган болалар учун қундузги шифохона очилди.
- Алишер Навоий номидаги давлат академик Катта театрида Россия Федерациясининг давлат суверенитети тўғрисидаги декларация қабул қилинган кунга бағишланган тантанали кеча бўлиб ўтди.
- Самарқанд Давлат иқтисодиёт ва сервис институтида республика олий ўқув юртлири талабаларининг фан олимпиадалари якунланди.
- Сариевчи тумани деҳқонлари давлат омборларига етти минг етти юз тонна сара дон етказиб берган ҳолда мамлакатда биринчи бўлиб галла тайёрлаш шартнома-режасини бажарди.
- Навоий вилоятининг Томди касб-ҳунар коллежида туман чорвадорларининг кўзилашти маъмуви якунларига бағишланган йилги ўтказилди.

Жаҳонда

- БМТ Хафсизлик кенгашининг навбатдаги йилги шикана сўзга чиққан Ироқ ташқи ишлар вазир Хушёр Зеварий Ироққа тўлиқ суверенитет мақоми берилиши кераклигини таъкидлади.
- Алматыда давлатлараро мувофиқлаштирувчи сув ҳўжалиги комиссиясининг навбатдаги мажлиси доирасида «Марказий Осиёнинг сув ҳамкорлиги» мавзусида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Унда Марказий Осиё сув ресурсларини бошқаришнинг долзарб муаммолари муҳокама этилди.
- Жанубий Корея суди Халқаро Олимпия қўмитаси вице-президенти Ким Ун Юни коррупцияда айблаган ҳолда 2,5 йиллик қамоқ жазосига ҳукм қилди.
- Дунё сиёсатида сезиларли из қолдирган АҚШнинг қирқинчи Президенти Рональд Рейган 94 ёшида ҳаётдан кўз юмди.
- АҚШ кинотеатрларида намойиш этилаётган «Шрек-2» анимацион фильми 10 кун ичида 200 миллион доллар йиғган ҳолда Америка кино бизнеси тарихида иккинчи натижани қайд этди.

Пойтахтимиздаги Олий ҳарбий божхона институтида Европа Иттифоқи (ЕИ) ва ТРАСЕКА дастури шафеълигида ўқув семинари бошланди. Унда ТРАСЕКАга аъзо 12 мамлакат ҳамда Туркманистоннинг транспорт ва божхона идоралари ходимлари иштирок этмоқда.

ТРАСЕКАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

Семинарнинг очилишида сўзга чиққан Олий ҳарбий божхона институти бошлиғи Ш.Шораҳмедов, Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги бошлиғи А.Абдувалиев ҳамда Европа Комиссиясининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари П.Редий ТРАСЕКАни ривожлантиришда мазкур тadbирнинг аҳамияти катта эканли-

гини таъкидлади.
15 июнга қадар давом этадиган мазкур семинар «Транспорт секторида раҳбар ходимларнинг малакасини ошириш» лойиҳаси доирасида ўтказилаётган. Ушбу лойиҳанинг асосий мақсади транспорт ва божхона ташкилотлари раҳбарларининг янги технологияларни ишга солишга, тизим ва ком-

муникацияларни ўзгартиришга йўналтирилган фаолиятини такомиллаштириш, қарорлар қабул қилишга масъул шахсларга ҳамда ТРАСЕКА минтақасидаги манфаатдор доираларга Ғарбий Европанингу ноу-хаусини етказиш ҳамда ТРАСЕКА йўлагининг ривожланишини қўллаб-қувватлашдан иборатдир.

Иқтисодиёт

КЎРКАМ ҲАМДА ЧИДАМЛИ

«ТЕЗИНТОМ» Ўзбекистон-Германия қўшма корхонаси Марказий Осиёда ягона металл черепица ишлаб чиқарувчи корхона бўлиб, унинг маҳсулотлари қурилишда юксак сифати, кўркамлиги, юқори чидамлилиги ҳамда ишлатишда қўлайлиги билан алоҳида ажралиб туради. Шу боисдан ҳам унинг қурилиш материалларига нафақат республикамизда, балки кўплаб қўшни давлатларда ҳам талаб катта.

Бугунги кунга келиб жамонанинг 65 нафарга яқин малакали ишчи-хизматчилари хорижий, замонавий технологиялар шарафати билан кўплаб турдаги черепица, унга керак бўладиган таркибий қисмлар, осма шифт, девор панеллари, савдо шохобчалари учун турли жиҳозлар ишлаб чиқармоқдалар. Шунингдек, бадиий базакланган куйма темирдан — панжара, эшик, дарвоза, осма чироқлар каби кўплаб маҳсулотлари мижозлари эътиборини қозонган.

Утган — 2003 йилда қўшма корхонада 1413112 минг сўмлик маҳсулотлар сотилиб, 26,3 миллион сўмлик фойда олинди. Булар — 62970 квадрат метр маталл черепица, 3271 квадрат метр профилланган тўшма маҳсулотлардан ҳамда 2856 квадрат метр осма шифт ва девор панелларини ташкил этди.

Айни кунларда корхона тadbиркорлари тинмай излаб, янги-янги лойиҳалар асосида маҳсулотларнинг турларини кўпайтириш устида ишламоқдалар.

СИФАТЛИ МИНИ ТЕХНИКАЛАР

Юртимизда фаолият юритаётган ностандарт дастгоҳ ва ускуналар ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар орасида «Вольфсон Шарк интерпрайзис» Ўзбекистон-Швейцария қўшма корхонаси ўз ўрнига эга.

Ҳозирги кунда 46 нафар тажрибали ишчи-хизматчилардан иборат жамоа аҳлининг саъй-ҳаракатлари билан тайёрланаётган сифатли, чидамли, ишлатишда қўлай бўлган 25 хилдан ортқ маҳсулотларга шахримиздан ташқари Самарқанд, Андижон, Наманган, Қарши шаҳарларидан мунтазам буюртмалар тушмоқда.

Эътиборли томони, малакали ишчилар озиқ-овқат саноати, қурилишда ишлатиладиган дастгоҳларни ўрнатиш, керак бўлган ҳолларда таъмирлаш ва эскирганларини модернизациялаш каби юмушларни мижозларнинг хоҳиш-истаги инобатга олинган ҳолда сифатли бажарадилар.

Мазкур корхонанинг айниқса, газ-суви куювчи, пастасимон ҳамда сочилувчан маҳсулотларни қайта ишловчи, қадокловчи мини техникалари харидоргир ҳисобланади.

Муҳаббат ҲАБИУЛЛАЕВА

Узаро ҳисоб-китобни нақд пулсиз амалга ошириш имкониятини яратувчи пластик қарточкалар биринчи мартаба АҚШда ўтган асрнинг 50-йиллари охирида пайдо бўлган ва албатта у пайтда вақти келиб ушбу янгилик банк соҳасида инқилобий ўзгаришларни юзага келтиришига ҳеч ким ишонмаган бўлса керак.

Ҳозирги кунда пластик қарточкалардан 200 дан ортқ мамлакатларда фойдаланилмоқда. Ўзбекистонда электрон тўлов воситаси 1996 йилда Ташқи иқтисодий алоқалар Миллий банки томонидан жорий этила бошланди. Бу борадаги биринчи лойиҳа «Кока-кола» қўшма корхонаси билан ҳамкорликда амалга оширилган. Кейинчалик Миллий банк ходимларининг иш ҳақи ҳам пластик қарточкалар орқали тўланиши татбиқ этилди.

Электрон пластик қарточкалар терминал ва банкоматлардан фойдаланган ҳолда қўлланилади. Терминал — бу маҳсулот ва хизматлар учун тўловларни амалга оширишда ишлатиладиган электрон-механик мослама бўлса, банкомат электрон қарточка эгаларига нақд пул маблағларини олиш ҳамда ўз қарточкалари билан баъзи бир амалиётларни (паролни ўзгартириш, ҳисоб рақамидagi маблағлар қолдигини билиш ва ҳоказо) ўз-ўзига хизмат кўрсатиш тартибида жорий этишда фойдаланиладиган мослама.

Айни пайтда шахримиз доирасида пластик қарточкаларнинг тўрт хил тури, шу жумладан ойлик иш ҳақи, иш ҳақи қарточкалари эгаларига кредит олиш имконини берувчи, шахсий ҳамда корпоратив қарточкалари амалиётга жорий этилган.

Корпоратив қарточкалар ҳуқуқий шахсларга тааллуқли бўлиб, улар фақат маҳсулотлар ва хизматлар учун тўловни амалга оширишда ишлатилади ва бу қарточкалар орқали нақд пул олиш мумкин эмас.

Мутасадди идоралар маълумотига кўра, Тошкент шаҳрида 2004 йилнинг 1 апрель ҳолатига 12 та тижорат банклари томонидан муомалага 91332 та миллий валюталаги пластик қарточкалар чиқарилган, савдо корхоналарида 683 та терминаллар ва 59 та банкоматлар ўрнатилган. Шу давр мобайнида пластик қарточкалар орқали 6 миллиард сўмга тенг 500 мингга яқин тўловлар амалга оширилган. Биргина Миллий банкнинг Тошкент шаҳар бўлими орқали 61,3 минг қарточкалар тарқатилган бўлса, жорий йилнинг биринчи чорагида 2,1 миллиард сўмлик тўловлар ўтказилган. Бугунги кунда ушбу банк хизматидан 24 та корхона ва ташкилот ходимлари фойдаланади.

Пластик қарточкалар билан савдо-сотик амалиёти шахримиздаги «Бешёғоч», «Кохиз», «Ардус», «Демир» каби йирик корхоналарда, 12-сонли автомобилларга ёқилми кўйиш шохобчасида, шунингдек, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг марказий авиакассасида — чип-

талар сотилишида, «Интерконтиненталь-Тошкент» меҳмонхона мажмуасида — ҳисоб-китобларда кенг жорий этилган.

Бундан ташқари, 235 та корхона ва ташкилот ишчи-хизматчиларига ойлик иш ҳақини пластик қарточкалар орқали тўлашга ўтган. «Ўзлатасаноат», «Ўзавтотеххизмат» уюшмалари, Давлат солиқ ҳамда боғжона кўмиталари, Олий Мажлис, «Фармако» хусусий ва «Висо» қўшма корхоналари ушбу тизимни биринчилардан қўлаганлар қаторига кирди.

Тижорат банклари томонидан пластик қарточкалар орқали кўрсатилган хизматлар учун мижозлардан аниқ бир фойзда хизмат

га хизмат кўрсатиш тарифлари мустақил равишда ҳар хил ҳажмда белгиланган. Тошкент шаҳар ҳокимлиги тақлифига биноан аҳолига янада қўлайликлар яратиш учун меморандум лойиҳасида 2004 йилнинг иккинчи ярмида пластик қарточкалар орқали хизмат кўрсатиш ҳақлари фойз кўрсаткичларини энг кам миқдорда ва барча банкларда бир хил амалга оширилишига эришиш белгиланди.

Терминаллар ўрнатилиши учун беш мингтага яқин савдо, умумий овқатланиш, алоқа, уй-йўл коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари, шунингдек, иш ҳақини пластик қарточкалар орқали олишга ўтгани

ган юридик субъектлар рўйхати тайёрланди.

Тижорат банклари томонидан чиқарилаётган электрон қарточкалар сонини фақат муомаладаги турлари бўйича ошириш эмас, балки уларнинг янгилирини, масалан, кредит олишга имкон берадиган, корпоратив, дисконт (савдо корхонасининг) лоялти (донимий мижозларга имтиёзлар берадиган) турларини жорий этиш ҳисобига кўпайтириш мақсадга мувофиқдир.

Пластик қарточкаларининг тўлов воситаси сифатида савдода қўлланилишини кенгайтириш билан қарточкалар ташқари нақд пул муомаласини қисқартириб, инфляция жағраёнининг пасайишига олиб келади ва ўз навбатида, банклар учун нақд пул амалиёти билан боғлиқ чиқимларни камайтиради.

Аҳоли учун электрон тўлов воситаси нақд пул маблағларини сақлаш, пластик қарточкалардаги маблағ қолдигига фойз ҳисоблаш, савдо ташкилотларидан маҳсулотлар харид қилиш, хизматлар учун тўловларни амалга оширишда вақтин тежааб, баъзи бир маҳсулотларни харид қилишда банк кредитидан фойдаланиш, ўз молия маблағлари билан ҳар жойда ва ҳар вақтда амалиётлар бажариш, нақд пул маблағларини йўқотиш, ўғирлаш ёки ҳисоб-китобларда янгилишнинг олдини олишда қўлай имконият ҳамда шахсий пластик қарточкаларни қўлаш доимий муомалада бўлган нақд пуллари ишлатишдан кўра гигиеник жиҳатдан ҳам афзалликларга эгадир.

Бу борада айни пайтда амалга ошириладиган чора-тадбирлар жорий йилнинг якунига қадар муомалага чиқарилган қарточкалар сонини — 2,3 мартабага, уларни татбиқ этган банкларни — 15 тага, савдо ташкилотларида ўрнатилган терминалларни — олти мартабага ошириш, иш ҳақини пластик қарточкаларда олишни 96 та корхона ва ташкилотларда йўлга қўйиш имконини беради.

Пластик қарточкаларнинг муомалага кенг киритилиши, шубҳасиз, ҳар томонлама қўлай ҳамда фойда келтиради.

Зафар ТҮЙЧИЕВ, Тошкент шаҳар Иқтисодийёт бош бошқармаси бошлиғи.

ЭЛЕКТРОН ПУЛЛАР — ҚУЛАЙ ВА ФЙДАЛИ

Бугунги кунда нақд пул айланмасини мувофиқлаштириш ва бу борадаги муаммолар ҳал этилишида мамлакатимиз молия бозоридида тўлов воситаси сифатида электрон пластик қарточкаларидан кенг фойдаланишни даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

ҳақи олиш қўзда тутилган. Ҳозирги кунда амалдаги фойзалар ҳар бир хизмат тури учун ҳамма банкларда турлича белгиланган бўлиб, тўлов ҳажмидан 0,5-3 фойзгача миқдорни ташкил қилади. Масалан, терминал тизимида хизмат кўрсатилиши учун тўлов ҳажмидан «Асака» банкида — 0,5 фойз, Халқ банки ва «Ўзсанотқурилиш» банкида — бир фойз ундирилади. Кўрсатилган хизмат тури учун Миллий банкда фойз олинмайди. Шунингдек, мижозлар учун пластик қарточкаларнинг нархи «Алп-Жамол» банкида икки минг сўм бўлса, Миллий банк ва Бизнес-банкда — текин.

Пластик қарточка ҳисоб рақамидagi маблағлар қолдигига ҳисобланадиган фойзалар йилга Халқ банкида - 10 фойз, «Асака», банк, Миллий банк, «Ўзуйжойжамгарма-банк», «Алп-Жамол» банкида — 24 фойз, «Пахта» банкида — 51 фойзга тенгдир.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан пластик қарточкалар жорий этилган тижорат банклари, Банклар уюшмаси, «Пластик карт» банкларино инновацион компанияси билан биргаликда пойтахтда иш ҳақи, чакана савдо, коммунал ва бошқа хизматлар учун тўловларни пластик қарточкалар орқали амалга ошириш ишларини жадаллаштириш, банкоматлар тармоғини кенгайтириш, савдо ташкилотларидаги терминаллар сонини кўпайтириш бўйича тегишли ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада «Иш ҳақи тўлашда, чакана савдонини амалга оширишда, коммунал ва бошқа хизматлар учун тўловларни пластик қарточкалар орқали амалга оширишни кенг татбиқ этиш ва пластик қарточкалар тизимини Тошкент шаҳрида ривожлантириш тўғрисида»ги ўзаро ҳамкорлик меморандуми лойиҳаси тегишли ташкилотлар билан ишлаб чиқилди.

Тижорат банклари томонидан терминаллар тармоғида ва банкоматлар орқали аҳоли-

1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни, 5 июнь эса Бутунжаҳон атроф-муҳит куни саналади. Мана ўттиз йилдан ошдик, ушбу экологик сана барча мамлакатларда нишонланиб келинмоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Атроф-муҳит Дастури (ЮНЕП)нинг хабар беришича, бу йил Бутунжаҳон атроф-муҳит куни Маданиятлар умумий Форуми ўтаётган вақтда нишонланди.

ЭКОЛОГИК ТАЪЛИМ-ТАРБИЯНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

Ушбу экологик санага бағишлаб «Экосан» Халқаро жамғармаси аънонага кўра «Экология ва саломатлик кунлари» доирасида 1 июндан 10 июнга қадар «Санитария, гигиена ва экологик маданият» ўн кунлигини ўтказмоқда. Унинг дастурига биноан шу кунлари мамлакатимизда бир қатор атроф- муҳит муҳофазаси ва барқарор ривожланишига йўналтирилган тадбирлар, халқаро конференция, давра суҳбатлари, эко-фестиваллар бўлиб ўтади.

Яқинда мазкур ўн кунлик доирасида «Экосан» Халқаро жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими Сергели туман ҳокимияти билан ҳамкорликда 305-мактаб-эколицейда «Экологик таълим-тарбиянинг

долзарб муаммолари» мавзусида учрашуев ўтказди. Унда «Экосан» жамғармаси, Сергели туман ҳокимлиги ҳамда халқ таълими бошқармасининг раҳбарлари, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган дипломатик коргус ва халқаро ташкилотларнинг вакиллари, мактаблицей ўқитувчи ва ўқувчилари иштирок этдилар.

Учрашууда таъкидланганидек, сўнгги ўн йилликлар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, ҳозирги кунда мавжуд бўлган ва келажақ учун хавф солаётган маҳаллий ва глобал экологик муаммоларнинг ечимини топишда замонавий экологик тарбиянинг ва унинг бир қисми ҳисобланган экологик таълимни

шакллантириш асосларини ишлаб чиқиш талаб этилмоқда. Шунинг учун ҳам атроф-муҳит борасидаги таълим ҳам халқаро, ҳам миллий даражада долзарб мавзулардан бири бўлиб қолди.

Экологик таълим аҳолининг ҳар бир гурӯҳини ўз ичига олиши зарур. Бу борада «Экосан» Халқаро жамғармаси атроф-муҳит борасида амалга ошираётган дастур ва лойиҳалар алоҳида аҳамиятлидир. Жамғарма ташаббуси билан ўтказилаётган «Санитария, гигиена ва экологик маданият» ўн кунлигининг асосий мақсади ҳам кенг жамоатчилик эътиборини, ҳаракатини атроф-муҳит ва барқарор ривожланиш масалаларига қаратишдан иборат.

Дилором ИКРОМОВА

Саҳна

ПУХТА САҲНА АСАРЛАРИ

Ўзбекистон Ёшлар театри репертуарида қатор спектакллар бор. «Турандот маликаси» деб номланган постановка ҳам шулар жумласидан.

Театр сахнасидан тушмай келаётган бу кувнок спектакль яқинда Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида ўтказилган халқаро фестивалда ҳам муваффақият қозонди. Санъат қошонасининг энг яхши саҳна асари ҳисобланган «Содом ва Гоморра-XXI» постановкаси эса театрининг навбатдаги чет эл гастрол дастурига кириштирилди. Москвада ўтказилган Чехов асарлари халқаро фестивалида театр шу спектакли билан қатнашадиган бўлди.

МУСИКАДАН ЎҚУВ АДАБИ-ЁТЛАРИ

Мамлакатимиз олий музыка ва маданият ўқув юрталари учун кўплаб дарслик ва кўлланмалар яратилмоқда. «Ўзбекистон дирижёрлари», «Ҳаваскорлик ўзбек халқ чолгу оркестри билан ишлаш услуби», «Рубоб ўрганиш синфи» каби ўқув адабиётлари эса чоп этилди.

Уларни босмага тайёрлашда таниқли муסיқашунос олим Каримжон Азимов мураллиф янглиг фаоллик кўрсатиб келмоқда.

Изланувчан санъаткор ҳозир ҳам изланишлар олиб бориб, янги нашрлар устида ишламоқда. Болалар ва ўқувчилар учун янги кўлланмалар ҳам юзага келади.

«Фарғонача», «Қари наво», «Анджон полкаси» сингари ўзбек халқ тароналарини ҳам муסיқашунос нотага туширди.

«ЛОЛА» РАҚСИГА МУКОФОТ

Бундан беш йил муқаддам Италиянинг Сан-Ремо шаҳрида халқаро таълим фестивали бўлиб ўтган эди. Ўқувчилар онгига маданият ва санъат, ижодкорлик, ўзга инсонларга ҳурмат ва бағрикенглик каби умуминсоний қадриятларни сингдиришни ўз олдига асосий мақсад қилиб кўйган бу нуфузли анжуманда ўзбекистонлик толиби илмлар ҳам фаол иштирок этиб келишмоқда.

Навбатдаги бу сафарги фестивалда ижтимоий йўналишдаги республика махсус гимназиясининг «Ассалом, янги авлод» ижодий гуруҳи ўз ижрочилик маҳоратини намойиш қилди. Гимназиянинг истеъдодли ўқувчиси Каромат Жамолова ижро этган «Лола» рақси биринчи ўрин билан тақдирланди. Турли давлатлардан 2 мингдан ортиқ вакил иштирок этган бу санъат кўригида яна қатор ёш ижодкорлар соҳибини мукофот соҳиблари бўлишди.

Акбар АЛИЕВ

«Соғлом авлод учун» халқаро ноҳукумат хайрия жамғармасининг «Оила» тиббий марказида кам таъминланган оилалар фарзандлари ва ота-она қаровисиз қолган болалар учун кундузи шифохона очилди. У Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси томонидан жамғарма билан биргаликда ташкил этилди. Ёз бўйи ишлайдиган шифохона очилишига Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш билан шуғулланувчи жамоат ташкилотлари вакиллари тўпланди.

СОҒЛОМ ЎСИНГ, БОЛАЖОНЛАР!

Бундай шифохонани ташкил этиш тўғрисида қарор Меҳр ва мурувват йили муносабати билан мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашга қаратилган давлат дастурлари ижроси доирасида қабул қилинган эди. Бу борада Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси ва «Соғлом авлод учун» жамғармаси Меҳрибонлик уйлари, махсус интернатлар тарбияланувчилари, кам таъминланган оилалар фарзандларини доимий ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Бундан ташқари болаларнинг яхши дам олиши учун барча шароит яратилган. Марказ ҳудудидан

болалар майдончаси, сузиш ҳавзаси бор. Тасвирий санъат ва бадиий ижод тўғрақлари ишлаб туради. Болалар учун пойтахт боғлари ва ҳайвонот боғига ҳам саёҳат уюштирилади.

Ёзи таътил кунларида кам таъминланган оилалар фарзандлари ва ота-онасиз тарбияланаётган болалар учун каби тадбирлар мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ўтказилмоқда.

Кундузи болалар шифохонаси очилишида Ўзбекистон Бош вазир ўринбосари, Республика хотин-қизлар кўмитаси раиси С.Иномова қатнашди.

ЎЗА

Жаҳон бозорида ўрин эгаллаш, дунё андозаларига мос рақобатбардош маҳсулотлар тайёрлаш учун, албатта бозор талабларини, харидор дид ва эҳтиёжини тинмай ўрганиш, ана шу асосда товар турларини кўпайтириш лозимлиги бугунги кунда кундек равшан.

Иқтисодиёт


ХАРИДОРЛАРИ ЖАҲОН БОЗОРИДА

Ана шундай жамоалардан бири — пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган «Кобул-Ўзбек Со» қўшма корхонасида тайёрланаётган ип калава ҳамда сифатли матоларнинг 98 фоиздан зиёди жаҳондаги 100 дан ортиқ мамлакатлар харидорларига етказиб берилаётгани бежиз эмас. Маҳаллий хом ашё — пахта қайта ишлаш асосида энг юксак унумли хорижий тўқимачилик дастгоҳларида ишлаб чиқарилаётган сифатли маҳсулотлар Америка Қўшма Штатлари, Франция, Германия, Италия, Япония, Эрон ва бошқа кўплаб давлатларга экспорт қилинмоқда.

Хорижий ҳамкорлар — Жанубий Кореянинг «Кобул-текстайл» компанияси билан ташкил этилган ҳамда Япония, Германия, Швеция ҳамда Бельгия давлатларидан келтирилган дастгоҳ ва ускуналар билан жиҳозланган қўшма корхонанинг маҳсулотлари 5 йилдирки, «Ўзбекистонда тайёрланган» ёрлиги билан жаҳон бозорида харидорлиги қувонарли ҳол, албатта. Негаки жаҳон бозорига мос, андозаларига тўла жавоб берувчи маҳсулот тайёрлаш аңгачина изланишларини талаб этади. Бунинг учун биринчи навбатда сифатли хом ашё зарур. Ана шу боис ҳам корхонада ҳамаша хом ашё — пахтанинг сифатига катта эътибор қаратилади.

Сифатли хом ашё маҳсулот рақобатбардошлигини таъминлашда муҳим ўрин тутса, технологик ускуналар, етук мутахассислар маалакаси, иш бошқарувидаги мустақам тартиб, технологик жараёнларнинг кучли назорат этилиши ҳам катта аҳамиятга эга. Маркетинг ишларининг яхши йўлга

қўйилганлиги эса жаҳон бозори талабини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади. Қўшма корхонада компьютерлар Интернет тармоғи-



га уланган бўлиб, дунё бозори, харидори талаби нафақат ҳар кун, балки ҳар соатда ўрганиб борилаётгани ўз самарасини бермоқда.

— Бугун жаҳон бозорида нозик, ингичка ип-калавага талаб катта, — дейди корхона директори Йўлдош Полвонов. — Шу боисдан ҳам корхонамиз мутахассислари ана шундай ип-калава турларини ишлаб чиқаришга, бозорбоп хилларини тайёрлашни йўлга қўйишга астойдил интилишмоқда. Тайёрланаётган маҳсулотларимиз сифати эса корхона лабораториясида кўриқдан ўтади. Негаки, хари-

Шарҳ

«ТРАМВАЙЧИ» МАВСУМГА ШАЙ

Транспортчилар фарзандларининг ёзи дам олишларини намунали ўтказиш юзасидан қатор муҳим тадбирлар кўрилмоқда. «Тошшаҳарйўловчиган» Давлат уюшмасига қарашли болалар оромгоҳлари янги мавсумга тахт қилиб қўйилди.

Баҳаво, сўлим боғ кўйида жойлашган «Трамвайчи» оромгоҳи ҳам дам олувчиларни ўз бағрига қорламоқда. Бу ерда ўқувчилар ёзини соз ўтказиш учун барча қўлайликлар муҳайё этилди.

Оромгоҳнинг икки павильони ва хизмат кўрсатувчилар биноси туб таъмирдан чиқарилди. Янги хиёбон бунёд этилди.

Уюшмага қарашли «Йўловчигансервис» маркази, учинчи трамвай-троллейбус депоси, «Ипак Йўли автотранс» корхонаси «Трамвайчи»ни янги мавсумга тайёрлашга катта ҳисса қўшилди.

«Кўпдан кўен қочиб қутулмас» деганларидек, оталиқ ташкилотлари кўмаги билан «Трамвайчи» намунали болалар оромгоҳига айланди. Бу ерда уч мавсумда транспортчиларнинг мингга яқин ўғил-қизи ёз гаштини суради.

Аҳмад АББОСОВ

дорлар сафининг, экспорт салоҳиятининг ортишида энг аввало сифат бош мезон ҳисобланади. Энг асосийи эса ёш, гайратли йигит-қизларимизнинг замонавий хорижий дастгоҳларни унумли ишлатишни, моҳирона бошқаришни ўрганиб олишгандир. Албатта, рақобатбардош маҳсулот тайёрлашда уларнинг ҳам малакаси муҳим роль ўйнайди.

Жорий йилнинг биринчи чорагида қўшма корхона аҳли томонидан 8306 тонна ип-калава ҳамда 5 миллион 400 минг погон метр мато ишлаб чиқарилиб, жами 26 миллион долларлик товарлар жаҳон давлатларига экспорт қилинди. Бу, албатта юртимиз экспорт салоҳиятини оширишда, иқтисодиётимиз ривожига муҳим ҳиссадир.

Чинданам ушбу қўшма корхона ўзининг илк қадамлари — дастлабки маҳсулотлари биланоқ жаҳон бозорига дадил қадам қўйди. Ҳозирда эса ана шу қадамлар тобора мустақамланиб, рақобатда ўз ўринларига эга бўлиб бормоқда. Албатта, бу изланишлар, баракали меҳнатлар самараси, ишдаги интизом, сифатдаги назоратнинг юқорилигидандир.

Одатда муваффақиятлар ҳамаша барчага илҳом бахш этади, янада яхши кўрсаткичларга, юксак мақсадларга ундайди. Юқоридаги қўшма корхона аҳли ҳам мақсадлари сари интилишмоқда. Келгусида ҳамкорлар билан алоқаларни янада мустақамлаб тўқимачилик дастгоҳларининг янада замонавий турларини келтириш, ана шу асосда пардозланган матолар, трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш режаланган. Шубҳасиз, харидорлар сафи ҳам ортади, экспорт ҳажми янада кўпаяди. Ҳа, интилиш дилдан, ҳаракат астойдил бўлса, мақсадга албатта эришилади.

Шоҳида ИЛҲОМОВА

СУРАТЛАРДА: корхона тўқув цехи илгорлари Орзу Ғиёсова ва Розия Қолдибоевалар; замонавий линиялар билан жиҳозланган цехда.

Ҳақимжон Солиҳов олган сураатлар.

Қарор ва ижро

БАРЧА ХОНАДОНЛАРДА — ГАЗ ҲИСОБЛАГИЧЛАР

Ўзбекистон Республикаси Вазиirlар Маҳкамасининг 2002 йил 28 мартдаги «2002-2004 йилларда уй-жой фондини газни ҳисобга олиш при- борлари билан жиҳозлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорида хона- донларга тежамкорликда му- ҳим аҳамият касб этаётган газ ҳисоблагичлар ўрнатиш жорий йил охиригача ниҳояланиши кўзда тутилган. Албатта, бу масъулиятли вазифани амал- га ошириш мутасадди ташки- лотлар зиммасига аниқ белги- ланган режалар асосида фаолият юритишни юклайди.



Шу боисдан ҳам айни кун- ларда пойтахтимиздаги хусусий ва кўп қаватли уйлارнинг хона- донларига газ ҳисоблагичлар ўрнатиш жараёни қизгин пал- лага кирган.

Шу боисдан ҳам айни кун- ларда пойтахтимиздаги хусусий ва кўп қаватли уйларнинг хона- донларига газ ҳисоблагичлар ўрнатиш жараёни қизгин пал- лага кирган. Юқоридаги қарор ижросини таъминлаш эса қим- матбаҳо бойлигимиз — табиий газнинг ҳар бир истеъмолчи хонадонига мунтазам ва узлук- сиз етиб боришни таъминлаш билан бирга, тежамкорликка ҳисса қўшади, исрофгарчилик- нинг олдини олади.



Чунки ёққан газ учун, яъни сарфига яраша ҳақ тўланган уни ҳуда- беҳудага ёқиқ қолди- риш, қиш кунларида хоналарни иситиш учун газ плиталарини ёндириб қўйиш ҳо- ларига, албатта, бар- ҳам берилади.

Хўш, бу борада Сергели туманида қандай ишлар амалга оширилмоқда? — Шуниси эътибор- лики бугунги кунда газ ҳисоблагичларнинг фойдаси ва аҳамиятини истеъмол- чилар жуда яхши би- либ қолишди, — дей- ди «Тошхаваргаз» худудий газ таъмино- ти корхонасининг «Сергелигаз» фили- али раҳбари Бахтиёр Юнусов. — Бу борада туман ҳокимлиги, ма- ҳалла оқсоқол ва фа- оллари, уй-жой мулк- дорлари ширкатлари раисларининг ердари- лари, олиб боришга тарғибот-ташвиқот ишлари ўз самарасини бермоқда. Туман- даги хусусий хонадонларга газ ҳисоблагичлар ўрнатиш ўтган йилда 100 фойзага оид этилган.

Хозирда эса кўп қаватли бино- лардаги хонадонларга ана шун- дай асбоблар ўрнатиш қизгин паллага кирди. Айниқса, ўтган апрель ва май ойларида ҳисоб- лагичлар ўрнатиш режадагидан анча ортди. Ўтган йилларда ту- ман бўйича жами 18,387 та газ ҳисоблагич ўрнатишга бўлса, жорий йилнинг ўтган ойларида 8 мингтага яқин асбоб ўрнатиш- га муваффақ бўлдиқ. Энг асо- сийси эса юқоридаги қарор иж- росини мuddатидан аввал — 1 сентябргача оид этишни ўз ол- димизга мақсад қилиб қўйган- миз.

Туманда жами 41.224 та абоне- нт бўлиб, истеъмолчиларнинг эҳтиёжини қондириш, уларга си- фатли хизматни ташкил этиш ту- мангаз ходимлари зиммасида. Бугунги кундаги эътибор эса газ ҳисоблагичлар ўрнатишдан таш- қари келгуси мавсум — кузги- қишқи тайёрларик ишларини ҳам режага мувофиқ бажаришга қаратилган. Одатда қишга ҳозир-

лик ўтган йил сабоқларидан ке- либ чиққан ҳолда бажарилади. Шу боисдан ҳам «Кўшқўрган» маҳалласидаги Саватчи кўчасига ҳамда «Дўстлик—1» мавзесидаги 23 та кўп қаватли уйларга газни бир маромда етказиш учун бу ерда қувурлар тортилиб қўшим- ча газ тортибланиш мосламалари ўрнатилади. Шунингдек, кириб келаятган ва ишлатилаётган газ- нинг ҳисобини аниқ билиш, но- қонуний фойдаланиш ҳамда ис- рофгарчиликнинг олдини олиш мақсадида тумандаги 13 та газ тақсимлаш пунктларига газ ҳисоблагичлар ўрнатиш кўзда тутилмоқда. Қўшни Зангиота, Янгийўл туманларига газ бери- ладиган қувурларга ҳам газ ҳисоблагичлар ўрнатиш режа- ланган бўлиб, бу албатта «Ҳисоб- ли дўст айрилмас» иборасининг амалдаги исботи бўлади.

Энди ҳисоблагичлар ўрна- тишга тўхталадиган бўлса, ушбу юмушга 6 та фирма жалб этилган бўлиб, 18 та бригада пайвандчилари бириктирилган ҳудудларда ишлашмоқда. «Сер- гели-1», «Сергели-4», «Серге- ли-7», «Кўйлик-5», «Кўйлик — 6» мавзеларидаги кўп қаватли уйлари хонадонларига «Бо- гимуз», «Лашкаргоҳ», «Мустақил жараён» масъулияти чекланган жамиятлари, «Сурет» хусусий фирмаси, «Теразор» уй-жой мулкдорлари ширкати пайван- дчи бригадалари газ ҳисобла- гичлар ўрнатишда ғайрат кўрсат- тишмоқда.

«Сурет» хусусий фирмаси пай- вандчилари «Кўйлик-5» мавзеси- даги 1-уйнинг барча хонадонла- рига газ ҳисоблагичлар ўрнатиш-

Албатта, уларнинг фаолиятларини ўр- га- ниш, тажрибаларини оммалаштириш ҳамда рағбатлантириб бориш яхши самара бера- ди. Пойтахтимиздаги «Dedeman Silk Road» меҳмонхонасида бўлиб ўтган тадбир фик- мизнинг далилидир. Урбан институтги (Тошкент) томонидан ўтказилган ушбу тад- бирда «2004 йилда Тошкент шаҳри, Самар- қанд вилояти ва Фарғона водийсида жой- лашган уй-жой мулкдорлари ширкатлари- нинг энг яхши иш тажрибаси» бўйича тан- лов фолиблари аниқланиб, уларга кўзда ту- тилган совғалар топширилди.

Маълумки, Вашингтонда нотижорат таш- килоти сифатида асос солинган Урбан ин- ститутги (шаҳар институти) шаҳар сиёсати соҳасидаги тадқиқотларга ихтисослашган бўлиб, бошқарув масалаларига оид икти- мий, иқтисодий муаммолар ва бошқа ма- салаларни ўрганиш билан шуғулланиб, ҳозирги кунда у 20 дан зиёд мамлакатда халқаро ва давлат ташкилотлари томонидан молияланадиган турли лойиҳаларда фаол иштирок этмоқда.

Институт томонидан Қозоғистон, Ўзбеки- стон, Қирғизистон ва Тожикистонда амал-

ла оширилаётган «Марказий Осиёда маҳал- лий бошқарувни ривожлантириш» лойиҳа- си АҚШнинг Халқаро тараққиёт агентлиги (USAID) томонидан молияланиб, мамлака- тимизда ушбу лойиҳа уй-жой мулк- дорлари ширкатлари раҳбарлари томонидан семинарлардан ташқари танловлар ҳам ўтказиб келинмоқда.

Утган йили ўтказилган танловда республикада 11 та уй-жой мулк- дорлари ширкатлари иштирок эт- ган бўлса, жорий йилда уларнинг сафи кенгайиб 26 тани ташкил этди.

Танлов ҳайъати аъзолари ушбу ширкатлар иш тажрибаси, келажак- да кўзлаган режалари билан тани- шиб чиқиб фолибларни аниқлашди. Хулосага кўра биринчи ўринга Тош- кент шаҳри, Шайхонтоҳур туманида фаоли- ят кўрсатаётган «Скопле-коммуналчи» (бо- шарурав раиси Махбуба Аҳмедназарова) ҳамда Наманган вилоятидаги «Тараққиёт» (бошқарув раиси Бахтиёр Борисов) уй-жой

мулкдорлари ширкатлари лойиҳа топилиб, уларнинг ҳар бири 7 минг АҚШ доллари миқдоридаги грантни кўлга киритишди. Иккинчи ўрин соҳиблари бўлган «Истик- бат» (Самарқанд шаҳри) уй-жой мулкдорлари ширкатлари эса учинчи ўринни эгалладилар ва 5 минг АҚШ долларилик грантларни олишга муваффақ бўлишди.

Танловда иштирок этган ҳар бир уй-жой мулкдорлари ширкатининг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Албатта, ушбу соҳада эришилган муваффақиятлар баробарида ечи- мни кутаётган муаммолари ҳам бор. Ютуқлар ҳам, муаммолар ҳам яшовчилар билан биргаликда амалга оширилиб, ҳал этилаётган- лиги эса самара бермоқда.

— Ширкатимизда ҳозирда ҳуж- жатларни сақлаш учун ҳам алоҳи- да хона йўқ, — дейди пойтахтимиз- даги «Скопле-коммуналчи» уй-жой мулкдорлари ширкати бошқаруви раиси, 1 ўрин соҳиби Махбуба Аҳмедназарова. — Ходимларимиз ҳам са- ноқли. Асосий таъмирлаш ишларини пуд- рачилар билан шартнома асосида бажар- амиз. Лекин яшовчилар билан ҳамжиҳат- ликка алоҳида эътибор қаратганмиз. Насиб

этса ушбу грантни уй-жойимиз ҳолатини янада яхшилашга, ширкатни ривожланти- ришга сарфлаймиз.

Шунингдек, танловда «Бир уй — битта ширкат» госянини ривожлантириш ҳамда уй- жой мулкдорларини қўллаб-қувватлаш мақ- садида 5 та уй-жой мулкдорлари ширкати 1 минг АҚШ доллари миқдорида грант олиш ҳуқуқини кўлга киритди. Улар орасида шаҳ- римизнинг Миробод туманида фаолият кўрсатаётган «Виждон-коммуналчи» уй-жой мулкдорлари ширкати ҳам бор.

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, Ур- бан институтги (Тошкент)нинг юқоридаги лойиҳаси мақсади фуқаролар ва ташкилот- лар демократик маданияти даражасини ошириш, фуқароларнинг маҳаллий бошқар- увдаги иштирокини кенгайтириш, шаҳар бошқаруви жараёнларининг самарадорли- ги, масъуллиги ва ошқоралигини кучайти- ришидир. Бу борада республикаимизда фао- лият кўрсатаётган уй-жой мулкдорлари ширкатлари раҳбар ҳамда ходимлари, жур- налистлар иштирокида ўтказилаётган семи- нар ва танловлар ўз самарасини бермоқда. Шарофат БАХРОМОВА

УЙ-ЖОЙ-КОММУНАЛ ХИЗМАТИ: ИСТИҚБОЛ ВА МУАММОЛАР

Айтсан тилим...

ЗОРА ХАРАКАТ ҚИЛИШСА

Хавонинг авзойи бузилса, бизни ваҳима босади. Шу боисдан ҳам ёзинг ёғинсиз кун- ларини интизорлик билан кутиб чарчаймиз. Нега дейсизми? Негаки биз истикомат қиладиган Мирзо Улугбек туманидаги «Осонлик» уй-жой мулкдорлари ширкати тасарруфидати 2-уйда ёғин-сочини кунларда лифт ишламайди. Чунки лифтинг тепаси очик бўлиб, ёмғир ва қорлар бемалол кўчага ёққандек бу ерга ҳам тушаверади.

Юқоридаги ширкат раҳбарларига бу ҳақда бир неча марта мурожаат қилишимизга қарамай, ҳали ҳеч қандай ўзгариш бўлгани йўқ. Бу нохушлиқдан 9 қаватли уйнинг юқори қаватларида яшовчи кўпбала хонадон эгалари азият чекишмоқда. Айниқса, кексалар, болалар аёллар ҳамма ёғингарчилик бўлмасин илоҳ, деб дуо қилишади.

Ниҳоят ёғиннинг ёғинсиз кунлари ҳам бош- ланди. Лекин яна ким билади дейсиз? Чунки

об-хавога ҳеч ким буйруқ бера олмайди. Шу боисдан ҳам мутасаддилар аҳблимиздан хабар топиб, бугунги иссиқ кунларда қишнинг тадоригини қўриб ёрдам беришса, зора лифтнинг тепаси ёпилиб қолса, деган умид- дамиз. Ахир халқимизда «Қиш гамини ёзда е» деган аjoyиб нақл борку. «Осонлик» уй- жой мулкдорлари ширкати раҳбарлари ушбу нақлга амал қилишди, деган умиддамиз.

Мирзо Улугбек тумани, «Осонлик» уй-жой мулкдорлари ширкатига қарашли 2-уйнинг 9-йўлида яшовчи хонадон эгалари.

ҚУЛАЙЛИКЛАР ЯРАТИЛМАГАН

Хар куни эрталаб ишга отланар эканман Тошкент «Шимол» темир йўл вокзали шох- бекатидан автобусга ўтирдим. Бу ердаги ҳолат биргина мени эмас, балки кўпчиликни ранжитмоқда. Биринчидан, йўловчилар ҳам-

ша гавжум бўладиган ушбу шохбекатда бир- рорта соябон ёки ўриндикни учратмайсиз. Баъзида бу ердан шаҳримизнинг турли йўна- лишлари бўйича қатновчи автобусларни 10-15 дақиқа, ҳатто ярим соатлаб кутиб қолишга тўғри келади. Ёзда қуёш тафтида тоблансан- гиз, қишда ёғин-сочинда туришга мажбурсиз. Ахир бу ерга нафақат ҳамшаҳарларимиз, балки вилоятлардан ҳамюртларимиз, қўшни рес- публикалардан ҳам ташриф буюришган меҳ- монлар илк таассуротларини шох бекатдан олишади.

Яна бир ачинарли томони, шохбекатга қўйилган ахлат қутилари қўпинча тўлиб-тошиб кетади, шохбекат эрталабданок турли чикин- дилар билан ифлосланиб ётади. Наҳотки бу ерга бириктирилган фаррошлар бир озгина эртарок ишларини бажариша олмасми?! Нима учун ҳаммаша гавжум ушбу шохбекатдаги то- залик ва орасталик ишларини мутасаддилар назорат қилишмайди? Ёки қўриб-қўрмаслик- ка олишадими?

Назира КЎЧҚОРОВА, хизматчи.

Ҳижо


АТРОФГА ҲАМ ҚАРАЙЛИК



Кўпчилигимиз бугунги кунда хона- донларимизни европача таъмир- лашга эътибор қаратаёلمиз. Ле- кин ичкариси «ев- ропача таъмир- ланган кўп қават- ли уйлarning ён- атрофларига эса ҳеч ким эътибор қаратмайди. Шун- дай хонадон со- ҳиблари ҳам борки, ҳатто остоналарига, уйдан чиққач бир қадам нарига қарашмайди. Йўлакларни тозалаламагани ҳам майлику-я, ахлат ва чиқиндиларни ҳам (суратда) уйнинг ҳов- лиларига, йўлакларга тўкиб кетишади. Ахир ўз уйимизни ўзимиз асрасак, ён-атрофи озодалигига биргаликда эъти- бор қаратсак, ҳаммамиз учун фойдали-ку. Эртага фарзан- дларимиз ҳам биздан ибрат олишади. Суратдаги нохуш ҳолатлар дилчимизни ранжитиб, ҳовлиларимизга доғ бўлмайди.

НИҲОЛГА ОЗОР БЕРМАНГ

Хар йили шаҳримиз кўча ва хиёбонлари, майдон ва маҳалла- ларига минглаб дарахт кўчатлари ўтказилмоқда. Бу, албатта пой- тахтимиз кўркамлиги, яшил либосга бурканишини таъминлаш- да, шаҳар хавосини мусаффо этишда муҳим аҳамият касб этади. Хар бир ишнинг гуриқираб ўсиши, шубҳасиз парваршишга боғ- лик. Лекин айрим кимсалар уни парваршилаш ўрнига зарар ет- казишга татани, экилган ниҳолларни сугуриб ёки синдириб ташлаёт- гани ачинарли ҳолдир. Бунинг устига дарахтларга зиён-заҳмат ет- казишдан уялмайдиган, уни қопиб, пичоқ ёки темир билан ўйиб турли ноҳўя сўзларни ёзиб кетаётган ёшларимиз ҳам учрайди (су- ратда). Бу ўйла- май қилинган но- ҳўя ишлар таби- атга етказилаёт- ган зарардир. Қўлингизни бир- рор нарса тилса, чин дилдан озор- ланасиз, лекин дарахтлар «жон- ига минг баробар кўп заҳмат ет- казишдан уялмай- сизми?



«Эрта-индин»нинг ҳам чегараси бор-да. Уйин- гизда бир кун, ҳатто бир соат газ ёқмай қолса, жи- гибийрон бўлишингиз та- биий. Ҳақини тўлашда ҳам лоқайд бўлмай, қарз тўплайдан уялиш керак- да. (Ўз мухбиримиз)

Газ — беминнат дастёр эканлигини ҳар бир хонадон аъзоси жуда яхши билади. Шу боисдан ҳам табиий газ турмушимизга сингиб кетган бўлиб, қишин-ёзин оғиримизни енгил, мушкуллимизни осон қилади.

ҲАКИНИ ЎЗ ВАҚТИДА ТўЛАШ ЛОЗИМ

Унинг қадрига етган ҳамшаҳарларимиз, фой- даланилган газ ҳақини ҳамма вақтида тўлашга интилишади. Лекин «Гуруч курмасиз бўлмайди» де- ганларидек шаҳримизда- ги айрим хонадон эгалари бебаҳо неъматдан кераги- ча, баъзида керагидан ҳам зиёда фойдалансада, ҳақини тўлашга келганда эътиборсизлик қилишмоқ- да, турли баҳоналар билан тўлов мuddатини ўтказиб юборишмоқда. Бу эса, ал- батта, аҳолига зулуксиз ва бехатар «зангори олов» етказиб беришда айрим муаммоларни келтириб чиқармоқда.

Барчамизга маълумки, газ қувурлари носоз аҳволга келади, кераклик эҳтиёт қисмлар керак бўлади, газ етказиб бе- рувчи ташкилот ва идора ходимларини иш ҳақи билан таъминлаш лозим ва ҳоказо. Буларнинг ҳамма- си учун маблағ керак бўлиши ўз-ўзидан маъ- лум. Албатта, истеъмолчи- лардан тушган тўловлар- нинг бир қисми ана шу эҳтиёжлар учун сарфлана-

ди. Тўловлар вақтида ба- жарилмагач эса бу бора- даги муаммолар ошади, носозликларни бартараф этиш чўзилади, натижада бу намунали хизматга таъ- ганларидек шаҳримизда- ги айрим хонадон эгалари бебаҳо неъматдан кераги- ча, баъзида керагидан ҳам зиёда фойдалансада, ҳақини тўлашга келганда эътиборсизлик қилишмоқ- да, турли баҳоналар билан тўлов мuddатини ўтказиб юборишмоқда. Бу эса, ал- батта, аҳолига зулуксиз ва бехатар «зангори олов» етказиб беришда айрим муаммоларни келтириб чиқармоқда.

Барчамизга маълумки, газ қувурлари носоз аҳволга келади, кераклик эҳтиёт қисмлар керак бўлади, газ етказиб бе- рувчи ташкилот ва идора ходимларини иш ҳақи билан таъминлаш лозим ва ҳоказо. Буларнинг ҳамма- си учун маблағ керак бўлиши ўз-ўзидан маъ- лум. Албатта, истеъмолчи- лардан тушган тўловлар- нинг бир қисми ана шу эҳтиёжлар учун сарфлана-

ди. Тўловлар вақтида ба- жарилмагач эса бу бора- даги муаммолар ошади, носозликларни бартараф этиш чўзилади, натижада бу намунали хизматга таъ- ганларидек шаҳримизда- ги айрим хонадон эгалари бебаҳо неъматдан кераги- ча, баъзида керагидан ҳам зиёда фойдалансада, ҳақини тўлашга келганда эътиборсизлик қилишмоқ- да, турли баҳоналар билан тўлов мuddатини ўтказиб юборишмоқда. Бу эса, ал- батта, аҳолига зулуксиз ва бехатар «зангори олов» етказиб беришда айрим муаммоларни келтириб чиқармоқда.

Барчамизга маълумки, газ қувурлари носоз аҳволга келади, кераклик эҳтиёт қисмлар керак бўлади, газ етказиб бе- рувчи ташкилот ва идора ходимларини иш ҳақи билан таъминлаш лозим ва ҳоказо. Буларнинг ҳамма- си учун маблағ керак бўлиши ўз-ўзидан маъ- лум. Албатта, истеъмолчи- лардан тушган тўловлар- нинг бир қисми ана шу эҳтиёжлар учун сарфлана-

Сўраш, жавоб берамиз

ВАЗИФАЛАРИ НИМА- ЛАРДАН ИБОРАТ?

Кўп қаватли уйлarda ташкил этилган уй-жой мулкдорлари ширкати тафтиш комиссиясининг вазифалари нималар- дан иборат?

Махфуза Каримова, Миробод тумани.

— Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 15 апрелда қабул қилинган «Уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»

ги Қонунида бу ҳақда шундай дейилади: «Тафтиш комиссияси (тафтишчи) шир- катнинг, бошқарувнинг молия-ҳўжалик фа- олиятини текширади ва умумий мажлисга ҳисобдордир. Тафтишчи ёхуд таркиби ка- мида уч кишидан иборат бўлган тафтиш комиссиясини кўпи билан икки йил мuddат- га сайланади.

Ширкат ва бошқарувнинг молия-ҳўжалик фаолиятини текшириш учун умумий маж- лис белгиланган тартибда аудитор ёки аудиторлик ташкилотини жалб этишга ҳақли».

Мана шундан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, тафтиш комиссиясининг шир- кат фаолиятида ўзига хос ўрни бор.

Шарқ дурдоналари

Оз-оз ўтганиб доно бўлур...

● Хикоят. Икки киши доимо бир-бири билан ҳамсухбат эди. Ҳақлар билан улфатликка ҳеч-майиллари бўлмас эди. Бир куни ҳақимлардан бири ўз шоғирдидан: «Бу икки киши бири-бирига ким бўлади?» — деб сўради. Шоғирд: «Дўст» — деб жавоб берди. Ҳақим: «Бири камбағал, бири бой, бу қандай дўстлик бўлиши мумкин?» — деди.

Сен ҳақингда ғам эмаса дўст, Айтгинчи у сенга қандай дўст бўлар? Кўмаги бўлмаса дўстни гар дўстга, Ичида мағзи йўқ қуруқ пўст бўлар.

● Абул Аббос доимо: «Кўп овқат эмас эдим. Шунинг учун табибга ишим тушмади», деб тақрорларди.

● Бузургмехр ҳақим шундай деган: «Ҳақим киши яхши одамлар орасида гўёки кўпир касали-теккан кўйга ўхшайди. Соғлом кўйларнинг яхшилиги унга қийинчилик билан таъсир қилади. Аммо унинг касали эса соғлом кўйларга осонлик билан юқади».

● Агар кишининг кўзи камолот нури билан мунаввар бўлса, унинг кўзи кишилар нуқсонини кўришдан узоқ бўлади.

Яхшиларнинг кўзига ёмон ҳам хуш кўринар, Ёмонларнинг кўзига эгри кўрингай тўғри.

● Жаҳонда: «Тил югурғи бошга, кўл югурғи ошга», деган мақол юради. Наштар жароҳатидан тил жароҳати оғирроқдир. Найза захмидан бадан бўстони кўп ўтмай гулистонга айланади ва ундан жонку молга завоқ камдир.

Ҳасса зарби узоқ турмайин кетар, Тилдан келган зарба умрга етар.

● Инсон ўз эҳсонини билан зикр қилинади ва яхшилиги билан тилда номи ёдланади.

● Хикоят: ҳикмат кўчасини кўп кезган тўғри йўл кўрсатувчи бир ҳақим айтди: — Душманнинг мулоим савол-жавобидан уни тинч ва сокин деб ўйлама. Унинг олдидан ҳар хил беҳуда сўзларни тилга олма.

● Емоқ яшаш учундир, яшаш эса емоқ ва ўзини гафлатга солиш учун эмас.

● Хикоят: Бир доно кишидан фойдали панду ҳикмат эшитган эдим. У айтган эди: «Оқил киши билмоғи керакки, масалан, ит қасосбнинг миҳида ширин гўшт осиглиқ турганини кўрса ҳам таъма ипини узиб гўшта ташланишдан ўзини тияди.

Кўнгил хоҳишга етмоқ ёқимли, Бироқ оқибатини ўйлаш ҳам яхши.

Демак, тўғри йўл шуки, таъмени йўқ қилиб, ит каби қаноат йўлини туттиш керак ва хирс йўлидан парҳез қилмоқ лозим».

● Дунё кишиларга яхшилик қилиш, толганини йиғиш учун эмас, ўзгаларга бериш учундир.

Насихат тарзида шох Ардашернинг, Қабрига ёзилмиш шундайин ҳикмат: «Мардлигу—зўр билан олдик жаҳонни, Гўрга олиб кета олмадик фақат».

Ўзбекистон Бадий академиясининг Замонавий санъат марказида мамлакатимиз маданияти ва санъати ривожига улкан ҳисса қўшган заҳматкаш инсоилар Тамарахоним, М.Турғунбоева, Ю.Ражабий ва М.Ашрафий ижодига бағишланган тўрт музей манбалари асосидаги «Замон ва шахслар» кўргазмаси очилди.

Кўргазмалар

ТўРТ МУЗЕЙ МАНБАЛАРИ АСОСИДА

Бу ерда юқоридаги санъат арбобларига тегишли ноёб суратлар, қимматли хужжатлар, ўнлаб йиллар олдин чоп этилган концерт афишалари, заргарлик буюмлари, либосларни кўриш

Буюк рақс устасининг ёрқин хотирасини ёд этиш учун жуда кўп санъатшунос олимлар, мутахассислар ва мухлислар йиғилди.

М.Турғунбоева билан бирга ишлаган Ўзбекистон

билан кўллаб-қувватлаши хотирланди.

Тадбир охирида «Баҳор» ансамблининг бадий раҳбари Маъмура Эргашева М.Турғунбоева саҳналаштирган «Тановар» рақ-



мумкин. Айнқиса расмлар келганларда катта таассурот қолдирмоқда. Уларда улкан санъаткорларнинг ибратли ҳаёт йўллари, ижод жараёни яққол акс этган.

Қизиғи шундаки, «Баҳор» рақс ансамблининг асосчиси, бутун дунёга ўзбек миллий рақс санъатини танитган М.Турғунбоевнинг таваллуд топан куни ҳам шу ерда кўргазма доирасида нишонланди.

да хизмат кўрсатган артистлардан Қ.Миркаримова, Х.Қодирова, Қ.Дадаев, М.Эргашева ва бошқалар сўзга чиқиб, устозлари ҳақида жуда кўп илқ фикрларни билдирдилар. М.Турғунбоевнинг инсонпарварлиги, талабчанлиги билан бошқалардан ажралиб туриши, ҳар бир шоғирдини оғир кунларида қўлдан келганча маслаҳат ва ёрдам

сини катта маҳорат билан ижро этди. Шунингдек, ансамблининг раққосалари ижросида концерт берилди. Хотира кечаси йиғилганларда чуқур таассурот қолдирди.

Раҳматхон АКМАЛОВ, СУРАТЛАРДА: кўргазма доирасида ташкил этилган тадбирдан лавҳалар. Муаллиф олган суратлар.

Сайёранинг энг ажралиб турувчи хусусиятларидан бири, унинг бир текис оқ рангидир. Қадимги рим мифологиясида севи маъбудасининг номи билан юритиладиган бу сайёранинг Қуёшдан ўртача узоқлиги 108 миллион километр дир. Венерада кун ва тун 58,4 Ер суткасига тенг бўлиб, орбита си буйлаб сониясига 35 километр тезлик билан ҳаракатланиб, 224 сутка 16 соат 49 дақиқа (0,62 йил)да Қуёш атрофини тўла бир марта айланиб чиқади. Ана шу ҳаракати давомида Венера Қуёш билан Ер орасидан ўтади ва айрим ҳолларда у Қуёшни тўсиб ўтади.

Биринчи бўлиб Галилей Венерани Қуёш юзидан 1631 йил 7 декабрда ўтиши ҳақида баҳорат қилган эди. Бундай ҳодиса июнь ёки декабрь ойларида, ҳар 8; 105,5; 8; 121,5 йилда тақрорланиб туради.

Охириги марта 1874 йил 9 декабрда ва 1882 йил 6 июнда Венера Қуёш юзидан ўтган эди. Навбатдаги бундай ҳодиса шу кунларда, яъни бутун Тошкент вақти билан 14-00 да рўй бериши кутилмоқда. Шу ўринда бу ажойиб ва камнамо ҳодисани кузатишни истаганлар учун баъзи тавсияларни айтиб ўтишни маъқул топдик. Ушбу ҳодисани кузатиш вақтида телескоп орқали тўғридан-тўғри Қуёшга қарамай, балки Қуёш тасвирини экранга тушириб кўрганингиз маъқул. Эҳран (оқ қоғоз) окулярдан кейин ўрнатиллади.

Яқин келажакда навбатдаги бундай ҳодиса 2016 йил 6 июнда, бундан кейингиси эса роппа роса 125, 5 йилдан кейин рўй беради.

1761 йил 26 майда Ломоносов Венеранинг Қуёш юзидан ўтишини кузатади. У ўзининг 40 дақиқалик кузатишлари натижасида Венерада атмосфера мавжудлигини таъкидлайди ва у буни қуйидагича таърифлайди: «Мен кузатиш вақтида унинг фақат бошланиши ва туташ вақтларини кузатмоқчи бўлиб қолган

пайт кўзимга дам бериш ниятида эдим, сайёранинг Қуёш юзига ўтишининг 40 дақиқага кеч қолганини кўриб қутиб турдим, бирдангиз аввал тиниқ турган Қуёш юзидан четки қисми устида хира қавариклиқни кузатдим, кейин эса у Қуёш юзидан чиқиб кетишида чекка қисми-

Спалаксийёт сирлари

ВЕНЕРА ҚУЁШ ЮЗИНИ ТўСИБ ўТАДИ

Венера (Зухра) Қуёш тизимида Ойдан кейинги ёруғ бўлган, атрофини қуюқ булутли атмосфера ўраб турувчи Ер сайёрамининг қўшнисидир. Шу кунларда уни Қуёш ботганидан кейин осмоннинг гарб томонида кўриш мумкин. Венеранинг ёруғлиги баъзи ёрқин юлдузларникидан катта бўлгани учун уни осон ажратиш мумкин.

нинг Қуёш дискининг чет қисмига яқинлашгани сари Қуёшнинг чекка қисмида яна қавариклик пайдо бўла бошлади».

Қуёш юзида, қисман Венеранинг атрофида, ҳосил бўладиган ёруғ гардиш «Ломоносов ҳолати» номини олди. Бу Қуёш нурларининг Венера атмосферасининг юқори қатламида рўй берадиган синиш (рефракция) натижасидир.

Узоқ йиллар давомида олимлар «бошини қотирган» сайёранинг асосий «тилсими» — унинг сиртига тегишли юқори ҳарорати бўлди. Дарҳақиқат, Ерга нисбатан Қуёшга жуда ҳам яқин бўлган ва қалин атмосфера билан қопланган Венера сиртида ҳароратининг бу қадар юқори + 470°C бўлишининг сабаби нимада? — деган табиий савол туғилади.

Гап шундаки, гарчи сайёранинг қалин атмосфераси орқали қисқа тўлқинли Қуёш нурларини жуда кам миқдорда унинг сиртига ўтсада, бироқ СО₂ га бой бундай атмосфера Зухра сиртининг космик бўлиқни «қўзлаган» иссиқлик нурланишларининг чиқиб кетишига деярли йўл бермайди. Натижада «парник

эффекти» (иссиқ хона) дейилувчи бу эффект сайёра сиртининг қаттиқ қизишига олиб келади.

Венера Ерга бошқа сайёраларга нисбатан энг яқин келади, аммо қуюқ булутли атмосфера унинг сиртини кўриш имконини бермайди. Шунинг учун барча кузатиш ишлари радарлар ёки сайёралараро автоматик станциялар ёрдамида олиб борилади.

Аваллари баъзи олимлар сайёранинг ҳамма ери океанлар билан ўралган деб ўйлаганлар. Кузатишлар радиотўлқинларда олиб борилгани сабабли, Венера сиртининг деярли барча тасвирлари шартли рангларда бўлган.

Венера сиртининг фотосуратларида қирларга хос бўлган тахирлардан ибоз бўлган сузоларни аниқлаш мумкин. Янги тош уюмлари ва совиған лава оқимлари тўхтамаётган тектоник фаолликдан дарақ беради. 1989 йилдан 1994 йилгача иш олиб борган АҚШнинг «Магеллан» космик аппарати ёрдамида сайёранинг анча аниқ бўлган ва деярли тўлиқ харитаси тузилди. Уни кўп йиллик кузатишлар натижасида олинган маълумотлар, ушбу сайёра Қуёш атрофида ҳаракатланувчи энг фаол осмон жисми деган хулосага олиб келди. Унда лавалар чиқарган мингта яқин қадимги вулкнолар, кратерлар ва тоғлар топилган. Сирт қатлами жуда юпқа, юқори ҳароратдан қучсизланган, у лаванинг сиртига отилиб чиқишига катта имкон яратади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, гарчи охириги йилларда «Шом ва тонг юлдузи»га тегишли талай кашфиётлар қилинган бўлса-да, бироқ ҳали у билан боғлиқ бундан кўп жумбоқлар ҳал қилинишларига навбат кутади.

Барно САТТОРОВА,
Низомий номдаги
Тошкент Давлат педагогика университети астрономия ўқитувчиси

СТОМАТОЛОГЛАР УЧУН УСКУНАЛАР

«Radisson SAS Tashkent» меҳмонхонасида «Стоматологик ускуналар қарзга» бизнес семинари бўлиб ўтди. У «Stomaservice Technologies» ва хусусий «Kapital-bank» томонидан Тошкент шаҳри стоматологик шифохоналари вакиллари учун ташкил этилди.

Семинарни ўтказишдан кўзланган мақсад дунёнинг етакчи компанияларидан ускуналар сотиб олишда стоматологик шифохоналарга молиялашнинг замонавий схемалари афзаллиқларидан фойдаланиш имконини беришдир. Тадбирда «Stomaservice Technologies» етказиб бераётган янги ускуналарнинг барча технологик жиҳатлари очиб берилди. Қўшма лойиҳанинг асосий ғояси эса катта молиявий маблағлар ажратмасдан туриб стоматологик шифохоналарни замонавийлаштириш имконидир. Бу борада «Kapital-bank» ўз ёрдамини кўрсатишга тайёр.

«Kapital-bank» қўшма лойиҳа доирасида молиявий лизинг хизматларини тақдим этмоқда. Иштирокчиларга ускуналарни харид қилишнинг батафсил схемалари, аризаларни кўриб чиқиш учун зарур ҳужжатлар рўйхати, лизингнинг таъминлаш шартлари тушунтирилди. Банк гаров сифатида «Ark Sugurta» суғурта компанияси полисларидан фойдаланишни тақлиф қилмоқда.

Экспертларнинг сўзларига қараганда, банк тиббий тармоқ инфратузилмасини ривожлантиришда фаол иштирок этиш, кичик ва хусусий бизнес шаклланиши ҳамда иқтисодий юксалишида унга ҳар томонлама ёрдам бериш ниятида. Банк тақлиф этаётган ва маҳаллий тадбиркорлар эҳтиёж сезаётган хизмат турлари бундай лойиҳаларга талаб катталигини кўрсатади.

ЎЗА

Бу — қизик

КАШФИЁТЛАР ТАРИХИДАН

1789 йили немис кимёга-ри М.Клапрот илгари маълум бўлмаган элементни топиб, уни куёш таркибининг еттинчи планетаси номига уран деб атади. Орадан 107 йил ўтгач, 1896 йилда А.Беккерель деган олим уран ўзидан кўра кўринмас нурлар чиқаришини аниқлади. Бу воқеа одамнинг сирли радиореакцияларини ошкор этиб, уларни забт этиши даврини бошлаб берди.

Қаттиқ ҳолдаги сувнинг (қор, муз ва бошқалар) бугланиши мумкин эмас, деб келинарди илгари. Бу фикрни В.В.Петров рад этди. У қорнинг ҳатто ноль даражадан паст ҳароратда ҳам бугланишини тажрибалар асосида исботлаб берди.

1896 йили француз физиги А.Беккерелл уран тузларини текшира туриб, бу тузлар ўзидан кўра кўринмайди деган аллақандай нурлар чиқаришини кузатди. Бу нурлар худди ёруғлик нурлари сингари фотопластинка юзасини қорайтиради. Магнит майдонида текшириб кўрилганда, уларнинг бир қисми мусбат зарядли заррачалар эканлиги аниқланди. Булар альфа нурлари деб аталади. Иккинчи қисми эса манфий заррачалар экан. Булар бета нурлар деб, магнит майдонида бутунлай оғмайдиган нурлар гамма нурлар деб аталади.

МИТТИ КАРКИДОН

Бу каркидонларни баҳайбат ҳайвонлар сифатида тасаввур қилиб ўрганиб қолганмиз. Лекин аслида уларнинг оилаларида миттилари ҳам бўлади. Булар пакана каркидонлар дейилади. Улар ўзларининг «каркидон» уруғларидан ҳам кўра кичикроқ ёввойи кўнғизларни эслатади. Пакана каркидонлар ҳақиқий каркидонлардан 10 марта кичик, бўйи 1,5 метр.

Митти каркидонларнинг борлиги 1911 йилда аниқланди. Улар йўқолиб бораётган ноёб жонивордир. Миттивойларни айрим европаликлар сокин оқувчи дарё қирғоқларидаги тропик ўрмонларда кўришган. Миттилар Нигериянинг қуйи қисмида тарқалган. Улар «Қизил китоб»га ҳам киритилган.

Тошкент шаҳар Шайхонтохур туманидаги 23-сонли кечки ўрта умум таълим мактаби ва катта ёшлилар маркази томонидан 1995 йилда Набиева Барно Атахамовна номига берилган АО № 222767 рақамли шаходатнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!

РЕСПУБЛИКА ТАЪЛИМ МАРКАЗИ ТЕНДЕР АСОСИДА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

Республика Таълим маркази биносини капитал таъмирлаш (томни қоплаш, сантехника ҳамда пардозлаш ишларини бажариш) ишлари амалга оширилади.

Бажариш муддати – 2 ой. Буюртмачи – Республика Таълим маркази. Объект манзилгоҳи: Тошкент шаҳри, Ўзбекистон кўчаси, 80-уй.

Таъмирлаш ишлари давлат бюджети ҳисобидан олиб борилади.

Талабгор сифатида қатна-

шаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак:

- маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик муомала ҳуқуқий лаёқати ва устав сармоясининг миқдори. Танлов объектига ўхшаш объекتلарда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги, ўз куч-

лари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар. Танлов объектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (фоизларда).

Танловда қатнашаётган талабгорга буюртмачи томонидан белгиланадиган бошқа талаблар ҳам қўйилиши мумкин.

Таклифларни матбуотда чоп этилган кундан бошлаб камида 15 кун ичида беришингизни сўраймиз.

Мурожаат учун тел: 45-99-49, 45-72-13, факс: 139-11-40

ДИҚҚАТ, АУКЦИОН!!!

Давлат Мулки кўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси ҳузурдаги «ROYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонаси 2004 йилнинг 9,13,16,20,23,27,30 июль ва 3,6,10,13,17,20,24,27,31 август кунлари аукцион савдоларини ўтказида.

Аукцион савдоларига Тошкент шаҳри ҳудудида жойлашган қуйидаги ер участкаларининг узоқ муддатли ижара ҳуқуқлари қўйилади

Объект маълумоти	Битта ер участкасининг бошланғич баҳоси (сўм)	Қўрилган маълумоти тури	Майсўртон ва Тикланиш кўчалари кесилишида	Дўкон
Майсўртон ва Тикланиш кўчалари кесилишида 0,03га	2 506 470	Дўкон	Майсўртон ва Ҳасанбой кўчалари кесилишида урта ҳар бири 0,05га дан	Савдо ва миний хизмат кўрсатиш мажмуаси
Майсўртон ва Тикланиш кўчалари кесилишида 0,10га	6 009 000		Майсўртон ва Тикланиш кўчалари кесилишида 0,05га	Савдо ва миний хизмат кўрсатиш мажмуаси
Собир Раҳимов тумани	5 592 000		Чилонзор тумани	
Қамаринко кўчасида 0,03га	5 592 000	Савдо ва миний хизмат кўрсатиш мажмуаси	Чилонзор даҳаси, 3-мавзесида, 0,28га	Илманий дам ояни мажмуаси
Чилонзор тумани	20 449 000		Чилонзор даҳаси, 19-мавзе, 2-Қаторгол кўчасида	Савдо ва миний хизмат кўрсатиш мажмуаси
Чилонзор даҳаси, 19-мавзе, 2-Қаторгол кўчасида	3 374 880	Савдо ва миний хизмат кўрсатиш мажмуаси	Чилонзор даҳаси, 10-мавзе, Тахтагул кўчасида	Савдо ва миний хизмат кўрсатиш мажмуаси
Чилонзор даҳаси, 10-мавзе, Тахтагул кўчасида	3 340 056		Ҳамза тумани	
Ҳамза тумани	2 290 200	Миний хизмат кўрсатиш биносини	Шоҳов кўчасида 0,007га	
Шоҳов кўчасида 0,007га	2 290 200	Миний хизмат кўрсатиш биносини	Шайхонтохур тумани	
Шайхонтохур тумани	2 495 444	Савдо растаси	«Жар-Арик» мавзесида, иккита ҳар бири 0,0108га дан	Савдо растаси
«Жар-Арик» мавзесида, иккита ҳар бири 0,0108га дан	2 495 444	Савдо растаси	«Жар-Арик» кўчасида, саккизта ҳар бири 0,0216га дан	
«Жар-Арик» кўчасида, саккизта ҳар бири 0,0216га дан	3 699 687		Сергели тумани	
Сергели тумани	4 499 265	Хундонидан растаси	Чоштепа кўчасида саккизта ҳар бири 0,009 га дан	Хундонидан растаси
Чоштепа кўчасида саккизта ҳар бири 0,009 га дан	4 499 265	Хундонидан растаси	Сергели даҳаси, 1-мавзесида Сергели кўчи 0,03га	Кафе-ресторан
Сергели даҳаси, 1-мавзесида Сергели кўчи 0,03га	3 411 000	Кафе-ресторан	А.Ахматова кўчасида 0,06га	Мезмурий бино ва офис
А.Ахматова кўчасида 0,06га	4 491 600	Мезмурий бино ва офис	А.Ахматова кўчасида 0,03га	Хусусий шифона
А.Ахматова кўчасида 0,03га	19 230 000	Хусусий шифона	А.Ахматова кўчасида 0,18га	Кичик меҳмонхона
А.Ахматова кўчасида 0,18га	3 705 000	Кичик меҳмонхона		

Аукцион савдоларида қатнашиш учун аризалар қабул қилиш савдодан бир кун аввал соат 18-00 да тўхтатилади. Савдолар соат 11-00 да бошланади.

Савдода қатнашиш истагини билдирган талабгорлар объектнинг бошланғич нархидан 5 фоизи миқдоридан закатал пулларини «ROYTAXT AUKSION» ДУК «Уйжойжамфармабанк» нинг Тошкент шаҳар бўлимидаги, банк коди 00425, СТИР 204399967, 20210000804243151001 ҳисоб рақамига тўлайди.

Савдолар Тошкент шаҳри, Мировот тумани, Мовароуннахр кўчаси, 16 «А» уйда ўтказилади. Телефонлар: 133-02-49; 133-23-40.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ВА «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»

газеталари тахририяти реклама агентларини ишга қабул қилади. Маълумотлар учун телефон: 133-28-95

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 17.30 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 133-28-95. Факс: (3712) 133-29-09. Манзилсимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 204-хона.

Спорт

Олдинда — ЁЗГИ ОЛИМПИАДА

Грецияда бўлиб ўтadиган олимпиадада бошқа спорт турларидаги вакилларимиз қатори велоспорт усталаримиз ҳам қизгин тайёрлик кўришмоқда.

Велопойгачиларимиз тайёрлик доирасида Москвада шоссе пойгалари бўйича бўлиб ўтган ҳалқаро мусобақаларда муносиб иштирок этишиб, яхши спорт формасига тушаётганликларини исботлашди.

Хусусан, Муроджон Холмуродов 136 нафар иштирокчи галаба учун кураш олиб борган пойгада фахрли бешинчи ўринни эгаллаган бўлса, Владимир Тўйчиев ўн иккинчи ўрин билан кифояланди. Яна бир спортчимиз Алексей Смирнов эса ўн олтинчи бўлди.

САРАЛАШ ВАЗИФАСИНИ ЎТАДИ

Шахримиздаги «Динамо» спорт мажмуасида бадий гимнастика бўйича Республика чемпионати мусобақалари бўлиб ўтди.

Жами юзга яқин гимнастикачилар катнашган турнирда ҳамшаҳарларимиз муваффақиятли иштирок этишди.

Жумладан, Маргарита Алимова, Екатерина Бабина, Мария Сержантова, Евгения Хахам каби спорт усталари ҳамда спорт усталигига номзодлик талабларини бажарган Алиса Ажмирова, Екатерина Есипова ва Комила Тўхтаевалардан ташкил топган шахримиз терма жамоаси рақибларидан сезиларли даражада кучли эканликларини исботлаган ҳолда умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллашди.

Шахсий ҳисобда ҳам шахримизнинг янги гимнастика юлдузи Алеса Ашаева тенг келадиганлар топилмади. У алоҳида мусобақаларда уч бор зафар кўчаран ҳолда кўпқураш натижаларига кўра ҳурмат шоҳсупасининг энг юқори погонасидан ўрин эгаллади. Иккинчи ўрин навоийлик спортчига насиб этган бўлса-да икки ҳамшаҳримиз — Маргарита Алимова ва Екатерина Бабиналар учинчи ўринни бўлиб олишди.

Спорт усталигига номзодлар баҳсида эса ҳамшаҳримиз Алиса Ажмировага бронза нишонлари насиб этди.

Ўзбекистон чемпионати натижаларига кўра Ўзбекистон терма жамоаси таркиби шакллантирилди ва у Хитойнинг Янг шу шаҳрида бўлиб ўтадиган Осиё чемпионатида иштирок этади. (Ўз мухбиримиз)

Футбол

ПОЙТАХТ ЖАМОАЛАРИНИНГ ГАЛАБАСИ

Мамлакат XIII миллий чемпионатининг II тур мусобақалари пойтахт шарафини ҳимоя қилаётган жамоалар учун муваффақиятли якунланди.

Меҳмонда «Сурхон» жамоасига қарши майдонга тушган «Пахтакор»га майдон эгаларини энгши осон кечмади. Сабаби тошкентликларнинг тезкор, комбинацион ўйинларига «Сурхон» футболчилари ҳам муносиб жавоб қайтаришга ҳаракат қилишди. Шу боисми, мухлислар анча қизиқарли учрашувнинг гувоҳи бўлишди. Аммо, тажриба, маҳорат бобида рақибларидан устунлик қилган пахтакорчиларга яна омад кулиб боқди. Тожиев, Бикмаев сай-ҳаракатлари билан мезбонлар дарвозасини аниқ нишонга олган пахтакорчилар ўз дарвозалари тўридан биттагина гол олиб чиқишди ҳолос.

Ўз майдонида Жиззахнинг

«Сўғдиёна» жамоасини қабул қилган «Трактор» бу сафар мухлисларини шод этди. Рақиблар дарвозаси томон уюштирилган кетма-кет хужумлар самара бериб ўйин 3:1 ҳисобида мезбонлар галабаси билан тугади. Тўллари «Трактор»дан Мўминжон, Соломин, Умрзоков, «Сўғдиёна»дан Хайитов йўллашди.

Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди. «Насаф» — «Самарқанд-Динамо» 2:1, «Навбахор» — «Қизилқум» 5:2, «Андижон» — «Бухоро» 3:1, «Металлург» — «Машъал» 3:2, «Локомотив» — «Нефчи» 0:1.

Навбатдаги 12-тур баҳслари 19 июнда бўлиб ўтади.

Анвар ЙЎЛЧИЕВ

Ўз жуфти ҳалолдан шикоят қилиб юрадиган баъзи эркекларга ҳайронман. Лўндасини айтганда, мана мен деб кўркак кериб юрган эр йигитнинг хотинидан ранжигани—ўлгани.

Инкор қилмайман. Тилидан бол томиб турадиган аёллар қаторида калондимога, шарттақилари ҳам йўқ эмас. Хар қалай ширин сўз билан илон инидан чиқади, деган гап бежиз айтилмаган. Шундай экан, хар қандай аёлни ҳам хандон чехра-ю, куюқ тавозе билан йўлга солиб бўлмайди, деб ким айтади. Борди-ю бу усул ҳам қўл келмаса, бошқасини қўлланг. Йўқ-йўқ, зинҳор-базинҳор хотин кишига қўл кўтариш фикрига борманг. Бу номардлик бўлади.

Келинг, яхшиси кичик бир тажрибани ўртоқлашайлик. Ахир, хар қандай ишда ҳам тажриба қўл келиши амалда исботланган-ку. Тўғри, бизнинг хотин ҳам осонликча жон берадиганлардан эмас. Гаҳ деса минг оҳанг билан қўлга кўнади. Эрга эътиборли бўлгани билан ўзига яраша димоғ-фироғи ҳам бор. Емон одати шуки, дилидагини тўри айта қолмайди. Айниқса дам олиш кунлари «ичидагини топ» қабилида иш тугиб, одамни қон қилиб юборади. Сахарлаб туриб болаларни тергаб қолади. «Аҳмад тур, дарсингни тайёрла, ўқишинг бўшашиб кетяпти», «Дилноза, қиз бўлмай ўл, индамаса тушгача ётаверасан», дея менга шавма қилиб қўяди. Тавба-тавба, «биров топиб айтади, биров қолиб» деганлари шу бўлса керакда. Хар қалай узок йиллик ёстиқдошим эмасми, менга унинг бу замнамалари ёд бўлиб кетган. Шундай ловиллаб турган вақтда бир жилмайиб қўйсам, тамом. Демак бугун изимзини у кишининг қўлига топшираётганимни аён бўлади-қолади. Энди, Аҳмаддан яхшиси бўлмайди. Ҳозиргина «қиз бўлмай ўладиган» Дилноза доно қизга айланди. Бирдан онасининг кайфияти кўтарилиб кетганидан болалар ҳайрон. Баъзан ўғлини ҳазиллашиб, «адам оламнинг калити» деб қўяди. Борди-ю хоним болаларни тергаб турганида мен бошимни кўрпага буркаб олсамми, ана унда кўринг текин томошани.

Шундай диққи нафас пайтларда келишиб кўйганимизга биноан халоскор ўртоғим тезроқ келиб эшикни тақиллата қолсачи, деб кутиб ётаман. Шунча баҳонаи сабаб билан хонимни қалғитмасак кўчага чиқишининг иложи йўқда.

Бу сафарги дам олишни ҳам дўстлар билан унумли ўтказмоқчимиз. Ҳозир «кўз ёш» қилиб Ҳамид келиб қолиши керак. Бироқ, девордаги соат 8 га бонг уряптики, ундан дарак йўқ.

Бирдан эшик тақиллаб қолди. Қувонганимдан «келди» деб бақриб юборганимни билмай қолибман.

— Ким келди? — деди хотиним менга ўқрайиб.

— Ким билади, биров келди шекилли, — дедим талмовсираб.

Хотиним эшикка йўналди. Ишқилиб «ковун тушириб қўймасанг бўлди-да, Ҳамид» дейман ичимда. Зум ўтмай йўлда хотиним кўринди. У бироз саросимада. Қойилман боғлабди, дейман ўзимга-ўзим.

— Ҳа, тинчликми?

КИМГА ТҶЙ, КИМГА АЗА

Ҳажвия

Хотиним бир зум менга термулиб қолди. Сўнг ғамбода кўзларини тикиб «дадаси бандалик-да» деб қўйди.

— Нима? — кўзларим қинидан чиққудек бўлиб ўрнидан туриб кетдим.

— Маҳмад ўртоғингизнинг онаси оламдан ўтиб қолибди. Тез кийиниб чиқа қолинг, эшикда сизни пойлаб туришибди.

Самолёт бўлиб кетдим. Қарабсизки, бир зумда эгарланган отдек бўлиб турибман. Эшик томон чоғиб кетаётсам, хотиним орқадан бақриб қолди.

— Вой ўлай, дўппингизни кийиб олайсизми, жанозага ҳам бош яланг борадими киши?

— Э, қўяверсангчи...

Барибир дўппини кийиб олдим. Бўлмаса хотиним шубҳага бориши мумкин эди-да. Ҳозиргина лаққа чўғ бўлиб турган хотин бечора ўлимни эшитиб қўйдек беозор бўлиб қолса-я. Ўзиям зап баҳонани зўрини топган эканимизда бу сафар.

Эшикда озги қўлоғида Ҳамид турибди. Икки дўст қақчақлашиб чойхонага жўнадик.

Уша кун кечки пайт шира кайф уйга қайтдим. Болалар аллақачон ўхлаб қолган. Хотиним мени пойлаб ўтирган экан. Ичганимни сездирмаслик учун олдин эшикни очиб кўзига ғамли тикилдим. Кейин йўғламсираб: «Ўрнимни сол, чарчадим», дедим зўр-баззўр. Пойабзалимни ечанам деб бирдан оstonага мункиб кетсам-а. Вой номард, кириш қисмини боғлаганим билан, хотимасини расво қилдим.

— Ҳа, — деди хотиним мастлигимни сезиб, — «поминка» қилибсизлар-да, тавба...

Қош қўяман деб кўз чиқарганим аниқ.

Энди ўзимни оқлашим керак.

— Гапирма, — дедим дўқ уриб, — аламдан иқдим. Ахир жонажон дўстимнинг онаси-я.

Буёғини истасам, истасамас гапиролмай қолишим аниқ эди. Хайрият, эсон-омон ўрнимга ётиб олдим. Иш хамирдан қил суғургандек осон кўча қолди. Ишқилиб эргага хотиним: «Ўртоғингизникига азага олиб борасиз», деб хархаша қилмаса бўлгани.

Йўқ, эртасига ҳам, индинига ҳам азадан сўз очмади. Қунларимиз тотувлик билан ўтиб, навбатдаги дам олиш кунни яқинлашмоқда эди. Биз улфатлар бу сафар хотинлардан қандай кутулиш режасини миямизда пишиқмоқда эдик.

Эрталаб эр-хотин ишга шошиб автобусга чиқсак, рўпарамизда сўррайиб Ма-

ҳмад турибди. Юрагим оркамга тортиб кетди. Мен кўзимни қисган сарим, бепарво бўлмай ўлгур нукул хиринг-хиринг қулади. Хотиним ҳайрон. Очиғини айтганда айб Ҳамид билан менда. Уша кун у бечорани «азадорлиги» ҳақида оғохлантириб қўймаган эдик-да.

Шунда хотиним бирдан: «Маҳмад ака, бандалик-да кампирин ҳам бериб қўйибсизлар» деб қўлса бўладими.

— Нима? Ким? — Маҳмад хангу манг бўлиб менга қаради.

— Йўқ, — дедим мен, — хотиним янглишяпти. Анаву Маҳмад бор-ку, ўшани сен деб ўйлашпти.

— Кайси Маҳмад? — чайнади дўстим. Шунча кўз қисаман, қани энди тушуна қолса хомқалла. Ниҳоят ишо-ишорамни тушуниб етди-ю, ўзини оқлаш учун валдираб кетди.

— Э ҳа, анаву Маҳмадани айтаяспанми? Жуда ёмон бўлди-да. Бечоранинг онаси анча ёш экан шекилли.

«Шекилли»сига бало борми, сайрамай ўлгур. Ҳаммасидан охирида: «Эшитдингми, Ҳамиднинг онаси оғирлашиб қолибди» деб гапни сийпалаша ўлганнинг устига тепган бўлди. Хотиним юзини буриб, лабини тиллашди.

— Кейинги дам олиш кунига ҳам баҳона тайёр шекилли, — деди у автобусдан тушаётиб.

— Қанақа баҳона?

— Ўтган гал тазвияга Маҳмадникига борган эдингиз. Бу сафар Ҳамидларникига «кимга» борасиз шекилли. Вой, тавба «кимга тўй, кимга аза» деб шунни айтдиларда.

Икки ўртоқ кутилмагандан бошимизга тушган оғир тўқмоқдан анчагача гангиб қолдик.

Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ

“ИШЛАБ ТОП!”

Жаноб тadbиркорлар ва мухтарам корхона раҳбарлари!

Биз шаклдор, нақшдор, пайратга тўла ёлларимиз. Бизга фақат Сизнинг тadbриби ва кўмакингизгина керак. Пайрат ва тadbриби барқарорлигини вақти келди. Чунки бу — муваффақиятга олиб борадиган энг яхши йўл.



Тошкент шаҳар «КАМОЛОТ» тadbиркорларга «Ишлаб топ!» ижтимоий акциясида фoсал иштирок этиб, бешлар учун мавсумий иш ўринларини тақдими этишини таълиф қилди.

Кўшимча маълумотларни 137-72-20, 137-72-21

телефон рақамлари орқали алоқа марказидан олишингиз мумкин. Биз ушбу вебсайтлардан акция ҳақидаги ахборотга эга бўлашингиз мумкин.

www.tashkentkamolot.uz
www.2oxygen.com
www.kvn.uz

Акцияда қатнашган тadbиркорларга «Тасвир» нашриёт ўйининг берча нашрларида реклама жойлаштириш учун имтиёзлар берилди.



Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНАР:

ҳатлар — 133-29-70; факс: (3712) 133-21-56

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет ускунаси билан. Қотғус босими А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чикади. Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтасига» — 133-74-05 телефонга мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси басмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюқ Турон» кўчаси, 41-уй.